

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Реферат

**Мавзу: ЯШАШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
КАФОЛАТЛАРИ**

**Бажарди: Тошкент давлат юридик институти «Жиноят
ҳуқуқи ва криминалогия» кафедраси 2-курс магистранти
Ходжаев Шахзод Музаффарович**

Тошкент-2011

Мавзу: Яшаш ҳуқуқининг Конституциявий кафолатлари

Режа:

1. Яшаш ҳуқуқининг Конституциявий асослари.
2. Ўлим жазосини бекор қилишнинг Конституциявий ва ҳуқуқий асослари.
3. Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган фикрлар уйғунлиги.
4. Жаҳон мамлакатларида ўлим жазоси ва уни ижро этиш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Маълумки, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Конституция хусусан давлатимизнинг қонунчилик – ҳуқуқий негизини шакллаштиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатимизнинг тамал тоши бўлади.

Муҳими шундаки, Конституция Республикамиз фуқароларининг эҳтиёжлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек қонуний манфаатларини мустаҳкам равишда қафолатлаб берди ва унинг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинди. Шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи бир қанча қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони, 2007 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни матбуотда эълон қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2008 йил 2 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонни келтириш мумкин.

Юртбошимиз Конституциянинг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирдаги “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари- энг олий қадрият”, деб номланган марузасида ҳам “Биз Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмунини ва устувор тамойиллар ҳақида гап-рақ эканмиз, Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳирлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан”¹. Юртбошимиз ушбу сўзларни давом эттириб “Ислоҳат ислоҳат учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун” деган теран маъноли фикрни асло унутмасилигимиз керак дейди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртбошимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эканлигини ва унинг ҳуқуқ эркинликларини қонуний қафолатлаш борасида бугунга қадар бир қанча ҳуқуқий ислоҳлар қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларини тиклаш ва демократик жамият қуриш йўлидан боришда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлатнинг бирлигида инсоннинг тутган ўрнини

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятлар миллий қонунчилигимиз микёсида устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятнинг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланиб, бунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қафолатини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Конституциямизда эътироф этилган инсонийлик ва адолат тамойилларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва

¹ И.А.Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари- олий қадрият. Т.: Ўзбекистон. 2006 . 14- том.Б.65.

эркинлари, шунингдек шахснинг қонунга итоаткорлиги ёки жиноят содир этганлигидан қатъи назар унинг яшашга бўлган табиий ҳуқуқининг кафолати таъминланмоқда. Биз ёритиб бераётган мавзу ҳам анашу инсон ҳуқуқларидан бири бўлган яшаш ҳуқуқига қаратилгандир.

1. Яшаш ҳуқуқининг Конституциявий асослари.

Маълумки мустақиллик йилларида қонун устуворлигини таъминлаш бевосита инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган бўлиб, ану шундай ҳуқуқлардан бири инсоннинг яшаш ҳуқуқидир.

Давлатимиз қонунчилигида бу борада мустаҳкамланган стратегик йўналиш тегишли халқаро- ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий қоидаларига тўла мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”, дейилган бўлса, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 6-моддаси 1 – бандида: “Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди”, - деб таъкидланган.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқининг Конституциявий асосларига тўхталиб ўтар эканмиз бевосита Ўзбекистондаги суд- ҳуқуқ ислоҳатларига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунини либераллаштиришдан бошлаб таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 1 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони ушбу жараённинг узвий давомидир. Биз урғу бермоқчи бўлган янгилик бу ўлим жазосини олиб ташланганлигидир. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлар экан ҳар бир аъзо давлатлар каби тенг ҳуқуқларга эга. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб то ҳозирги кунгача кўплаб халқаро шартнома, конвенция, декларация ва пактларга қўшилган, хусусан Ўзбекистон 37 та инсон ҳуқуқларига оид шартномаларга қўшилган.² Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнида мустаҳкам бормоқда ва буни биз мамлакатимиз бош қомуси конституциядан тортиб то алоҳида олинган қонунларимизда кўришимиз мумкин, масалан, Конституциямизнинг 24-моддасига биноан яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади.³ Ушбу норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мустаҳкамлаб қўйилган. Биз 1966 йилда қабул қилинган, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллнинг бир таркибий қисми бўлиб ҳисобланадиган Сиёсий ва Фуқа-ролик ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактга тўхталмоқчи эдик. Ҳаммамизга маълумки, ушбу пактда инсоннинг асосий ҳуқуқи бўлиб ҳисобланадиган 27 та ҳуқуқ мустаҳкамланган ва Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси билан солиштирганда Пактда 5 та ҳуқуқ қўшилган, масалан, бола ҳуқуқлари ва бошқалар.⁴ Ушбу пакт 19-декабрь 1966 йили БМТнинг 2200А резолюцияси билан имзолаш учун очилган ва 23 март 1976 йили кучга кирган.⁵ Унда мус-таҳкамланган инсон ҳуқуқларининг энг олийси бу-инсоннинг яшаш ҳуқуқидир. Пактнинг 6-моддаси инсоннинг яшаш ҳуқуқига бағишланиб, унда қуйидагилар акс этган: Инсоннинг яшаш ҳуқуқи бу унинг ажралмас ҳуқуқидир, ушбу ҳуқуқ қонун томонидан ҳимоя қилинади.⁶ Ушбу нормани таҳлил қиладиган бўлсак инсоннинг

² Узбекистан и Международные договора по правам человека. 1998г. отв ред. А.Х.Саидов.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

⁴ Human Rights in the World. A.H. Robertson and J.G. Merrills. Manchester and New York 2000.

⁵ Узбекистан и Международные договора по правам человека. 1998г. отв ред. А.Х.Саидов.

⁶ Basic Documents on Human Rights. Oxford 1997.

яшаш ҳукуқи муқаддас саналар экан, у албатта қонун томонидан қўриқланади ва ҳимоя қилинади. Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган ушбу пактда ўлим жазосини олиб ташлаш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлсада, лекин кейин қабул қилинган иккинчи қўшимча баённомада қуйидагилар мустаҳкамланган:

Баённомада иштроқ этувчи давлатлар ўлим жазосини бекор қилиниши инсон қадр-қиммати ошиши ва инсон ҳуқуқлари тарақ-қий этишига имконият яратади деб ҳисоблаб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 3-моддасига ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддасига таяниб,⁷ ушбу баённомага қўшилган давлатлар юрисдикциясида бўлган бирон-бир шахсга ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас,⁸ деб келишиб оладилар. Ушбу ҳужжатни 52та давлат ратификация қилган, 9 та давлат мазкур баённомани имзолаган.⁹ Ушбу ҳужжатдан кўриниб турибдики тобора жаҳон ҳамжамияти давлатлардан ўзларининг жиноий ҳуқуқий қонунчилигидан ўлим жазосини олиб ташлашни талаб қилмоқда. Ўлим жазосини олиб ташлаш инсонга бўлган ҳурматни ошириши табиий, лекин жаҳон ҳамжамияти давлатларини қарайдиган бўлсак улардан фақат 45 тасида¹⁰ ўлим жазоси олиб ташланган ва 79 давлатда ҳали ҳам ўлим жазоси мавжуд. Кўриниб турибдики ҳали кўпгина давлатлар ўлим жазосини олиб ташламаган ва АҚШ¹¹ ва шунга ўхшаш демократия ва инсон ҳуқуқлари қаттиқ ҳимоя қилинадиган давлатларда ушбу жазонинг мавжудлиги, Ўзбе-кистонни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнига ҳар томон-лама ва тўлақонли қўшилаётганлигидан далолат беради. Халқаро ҳуқуқ нормалари давлатлардан уларни миллий қонунчилигига имплементация қилишни талаб қилар экан, ҳар бир жаҳон ҳамжамия-тининг аъзоси унги амалга ошириши керак ва Ўзбекистон ҳали юқо-рида таъкидлаб ўтганимиздек ушбу жараёни ривожлантириб бормоқда.

Ўлим жазоси масаласига диний нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, масалан, ислом динида инсонга ҳаёт Худо томонидан бери-лади ва олинади ва шу туфайли унинг бандаси бировнинг жонига қасд қилиши ва ҳаттоки ўзининг жонига қасд қилиши мумкин эмас ва бу шариат нормалари томонидан қаттиқ қораланади. Худди шундай мазмундаги ёндашувни бошқа динларда ҳам кўришимиз мумкин. Лекин ҳозирда шариат қонунлари амалда бўлган давлат-ларга разм соладиган бўлсак уларнинг деярли барчасида ўлим жа-зоси сақланиб қолинган.--

Давлатларнинг қонунчилигига қарайдиган бўлсак ҳар бир дав-лат ўзининг анъаналари ва ўзига хос ҳуқуқ нормаларининг тарихий ривожланишидан келиб чиқиб нормаларни қабул қилади. Бундай ёндашувда давлатларни аввало қайси ҳуқуқ оиласига тегишлигига эътибор берилади. 1994 йил қабул қилинган Ўзбекистон Респуб-ликаси жиноят кодексида 13-моддада жазо чораси сифатида ўлим жа-зоси назарда тутилган эди. Ўлим жазосини қўлланиши мумкин бўл-ган жиноятлар таркиби эса 33 та моддани ташкил этарди. 1998 йили бу жазо тури Жиноят кодексининг бешта

⁷ Фуқаролик ҳуқуқлари ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ўлим жазосини олиб ташлашга оид иккинчи қўшимча баённома - **преамбула**

⁸ Фуқаролик ҳуқуқлари ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ўлим жазосини олиб ташлашга оид иккинчи қўшимча баённома - **1-модда**.

⁹ К.П. Пайзуллаев, Н.С.Салаев, Б.А.Бобокелдиев - Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. Т, 2005.

¹⁰ Правовые системы стран мира. Норма-Инфра-М, Москва. 2000.
www.amnesty.org.ru/web/web.nsf/pages/deathpenalty2004-index-rus.

¹¹ К.П. Пайзуллаев, Н.С.Салаев, Б.А.Бобокелдиев - Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. Т, 2005.

моддасидан олиб ташлан-ди. 2001 йили улардан яна тўртта моддаси қисқартирилди. Ниҳоят 2003 йилнинг декабрида ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғир-лаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун қолдирилди. Бу жараён Ўзбекистон ўлим жазосини олиб ташлаш даражасига секин аста қатор ислохотлар орқали етиб келганлигидан далолат беради.

Инсон ҳаёти қимматининг эътироф этилиши мазкур жазо тури-га бошқача назар ташлашга мажбур қилмоқда. Ўлимни жазо тури сифатида қўллашга қаршилар ўлим жазоси жиноятчиликни тўхта-тишга ва жамиятнинг негизларини мустаҳкамлашга қодир эмаслигига инсоният ўз тажрибасида иқроф бўлмоқда, деб эътироф этиш-моқда. Утган минг йилликлар давомида кўплаб инсонлар ушбу жазо тури орқали жазоланди ва ҳозирда ҳам кўплаб мамлакатларда жазо-ланиб келинмоқдалар, лекин ҳозирги замон талаблари инсонни гу-манизм ғоялари билан тарбиялашни тарғиб қилмоқда. Инсон гарчан жиноят содир қилган бўлса ҳам инсонлигича қолади унга жазо бел-гилашда халқпарварлик принципларидан келиб чиқиш лозим, зеро агар биз жиноятчиларга уларнинг психологияси нуқтаи назаридан ёндашсак, ҳаммага қилган қилмиши ҳолатида қаттиқ жазо бериши-миз керак бўлиб қолади. Юқорида санаб ўтилган халқаро нормалар инсонларни ҳар томонлама ҳуқуқларини ҳимоя қилади хоҳ у оддий инсон бўлсин хоҳ жиноятчи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан 1984 йил 25 майдаги 1984/50 резолюцияси билан тасдиқланган «Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кафолатловчи чора-тадбирлар»¹² фикримиз исботидир.

¹² Basic Documents on Human Rights. Oxford 1997.

2. Ўлим жазосини бекор қилишнинг Конституциявий ва ҳуқуқий асослари.

Ўлим жазосини бекор қилишнинг Конституциявий ҳуқуқий асослари жамиятимизда рўй берган бир қанча ўзгаришлар ва суд- ҳуқуқ ислоҳатлари билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, юртимизда бу соҳада юз кўрсатилаётган ижобий ўзгаришлар Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Жумладан суд- ҳуқуқ ислоҳатининг бу борадаги ҳар бир босқичига тухталиб ўтадиган бўлсак,

1-босқичда, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил сентябрда ўз мустақиллигини эълон қилди. Лекин эндигина мустақилликка эришган ватанимизда асосан эски совет мафкурасига асосланган ва у билан йўғрилган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар меърос қолган эди. Шунга кўра Жиноят кодексимизнинг 33 та моддасида ўлим жазоси назарда тутилган эди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унга асосан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб белгиланди.

Янги Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб, 1994 йил сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил апрелда кучга кирган Жиноят кодексида 13 та модда бўйича яъни: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми), но-мусга тегиш (118-модда 4-қисми), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишла-тиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда 4-қисми), агрессия (151-модда 2-қисми), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-модда), геноцид (153-модда), терроризм (155-модда 3-қисми), давлатга хоинлик қилиш (157-модда 1-қисми), Ўзбекистон Республи-каси Президентига тажовуз қилиш (158-модда 1-қисми), жосуслик (160-модда 1-қисми), жиноий уюшма ташкил этиш (242-модда 1-қисми), контрабанда (246-модда 1-қисми), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш (272-модда 2-қисми) жиноятлари бўйича ўлим жазоси қолдирилди ҳолос. Бу ҳолат эндигина мустақил бўлган ва ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган республиканинг эҳтиёжларига мос келар эди албатта. Лекин кўп ўтмасдан 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб яна 5 та жиноятнинг санкциясидан ўлим жазоси (ЖКнинг 119-моддаси 4-қисми, 152-моддаси, 158-модданинг 1-қис-ми, 160-модданинг 1-қисми, 246-модданинг 1-қисмидан) чиқарилди.

2-босқичда Олий Мажлиснинг 2-чақириқ олтинчи сессиясида Президент И.А.Каримов томонидан қилинган "Адолат қонун усту-ворлигида" номли маърузада жиноят қонунчилигига оид сиёсатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштириш истикболлари белгилаб берилди: Шу сессияда, 2001 йил 29 августда Олий Мажлис то-монидан "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшичалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва унинг асосида Жиноят кодексига яна 4 та модданинг санкциясидан (ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми, 157-моддаси 1-қисми, 242-моддаси 1-қисми, 272-моддаси 2-қисмидан) ўлим жазоси чиқарилди.

3-босқичда 2004 йил 29 августда Жиноят кодексига яна 2 та модда санкциясидан (ЖКнинг 151-моддаси 2-қисми, 153-моддаси-дан) ўлим жазоси чиқарилди. Шундай қилиб ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-

модда 2-қис-ми) ва терроризм (155-модда 3-қисми) учун ўлим жазоси назарда тутилган ҳолос.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли маърузасида қуйидагиларни, “Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала-бу жазолаш тизмидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап, айрим мамлакатларида бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда¹³” лиги таъкидланган эди.

4-босқичда Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони чиққан кундан кейинги даврни ўз ичига олади.

Суд- ҳуқуқ ислоҳатларининг ушбу босқичларидан келиб чиққан ҳолда 2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони, 2007 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят – ижроия кодексларига жиноий жазо тизмидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва уни умурбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш, ушбу жазоларни тайинлаш тартиби ҳамда уларни ижро этиш шартлари билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутилди.

Шу ўринда мазкур тарихий қонуннинг қабул қилинишигача бўлган жараёнга бир назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Дарҳақиқат, бу жараённинг ҳуқуқий дебочасини давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларида белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш томоилларидан бири “қонун устуворлигини таъминлаш” ташкил этади.

Қонун устуворлигини таъминлаш эса бевосита инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Ану шундай ҳуқуқлардан бири инсоннинг яшаш ҳуқуқидир.

“Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”- дейилади бош қомусимизнинг 24- моддасида. Мазкур ҳуқуқ – инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, уни ҳаёт кечиришининг кафолатидир.

Давлатимиз қонунчилигида бу борада мустаҳкамланган стратегик йўналиш тегишли халқаро- ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий қоидаларига тўла мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”, дейилган бўлса, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 6-моддаси 1 – бандида: “Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза

¹³ И.А.Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». –Т.: Ўзбекистон, 48-б.

этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди”,- деб таъкидланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Жиноят қонунчилигидан ўлим жазосини олиб ташлаш ҳамда ушбу жазонинг ўрнига узоқ муддатли ва умрубод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Энди мушоҳада қилинг-а ўлим жазоси нима? Ўлим жазоси ваҳшийликка ҳос абадий белги-ку! Ўлим жазоси бор жойда камдан кам ҳолларда цивилизация ривож топади. Балким ўлим жазосини сиз бугун тугатмайсиз. Аммо уни эртага албатта тугатасиз ёхуд уни сизнинг ворисларингиз тугатадилар, деган эди француз ёзувчиси ва файласуфи Виктор Гюго.

Дарҳақиқат бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳар доим ҳам инсонга мурвват кўрсатилган, унга жабр-зулим қилиш энг ахлоқсизлик ҳисобланса, инсон ҳаётига тажовуз қилиш ва уни ўлимга маҳкум этиш қаттиқ қораланган.

Ислом оламининг машҳур муҳаддисларидан Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо Термизий ҳадисларида одамларни қон тўкмасликка даъват этган: “Оллоҳ толонинг наздида бир мусулмон кишининг ноҳақ қатил этилишидан кўра ёруғ дунёнинг барбод бўлиб кетиши енгилроқдир”.

Шунингдек, буюк ҳадисшунос Исмоил ал-Бухорийнинг: “Бировга зарари тегмаган киши мусулмондир”, каби ҳадислар ҳам инсонларни бир- бирларига зулм қилмасликка ундайди.

Ўлим жазосини жиноий жазо тизимидан чиқарилиб унинг урнига умрубод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш айбдор шахснинг жазосини енгиллаштириш ёки бундай шахсларга мурувват кўрсатишдан ҳам кўра айбсиз кишиларнинг қонунга ҳилоф равишда жазоланишларининг олдини олишда аҳамиятли ҳисобланади. Тергов органлари ёки суднинг хатога йўл қўйилмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ўтмишда бегуноҳ шахсларнинг ўлим жазосига маҳкум қилинганлиги ва кейинчалик, уларнинг айбдор эмаслиги аниқланган ҳолатлар анчагина. Биргина қатоғон қурбонларининг ишлари юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг қайта кўрилиб, улардан кўпчилиги айбсиз эканлиги исботланди.

Биз кўпгина ривожланган давлатлардан илгарилаб ўлим жазоси билан боғлиқ масалани ижобий ҳал этдик ва бунинг натижасида инсонлар тақдирига бефарқ эмаслигимизни исботладик. Айрим ривожланган давлатларда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ масалани кўриб ўтадиган бўлсак Италияда 225 йилда, Европада 100 йилда ўлим жазосини бекор қилишга эришилган.

Шу уринда биз ўлим жазоси билан боғлиқ масалалар хорижий давлатларда қандай ҳал қилинаётганлигига қисқагина тўхталибсак, дунёда энг демократик давлат ҳисобланган АҚШнинг 38 та штатида ўлим жазоси ҳанузгача мавжуд. Унинг 24 та штатида вояга етмаганлар, руҳий касалларга нисбатан қўлланишга қонуни йўл қўйилган, бу эса ўз навбатида АҚШ да инсон ҳуқуқларинг олий даражада ҳимоя қилинган, деб ҳисоблаш учун асос йўқлигини кўрсатади.

Ўлим жазоси 85 та давлатда батомом бекор қилинган, 11 та давлатда энг ашаддий жиноятчиларга нисбатан қўлланилади, 24 та давлат қонунларида бу жазо назарда тутилмаган. Қолган 76 та давлатда ўлим жазоси қўлланилиб келинмоқда. 15 та мамлакатда фақат алоҳида ҳолларда (ҳар бир жиноятлар учун) ўлим жазоси сақлаб қолинган.

Шунингдек қонунчилигида ўлим жазоси сақланган бўлса-да, кейинги ўн йил давомида бу жазо ижро қилинмаган мамлакатлар 23 тани ташкил қилади. Ўлим жазоси сақланган бўлсада, йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар –

78тани; ўлим жазоси вояга етмаганларга 1990 йилдан буён қўлланиб келган мамлакатлар - 8 (АҚШ, Хитой, Саудия Арабистон, Покистон, Эрон, Конго, Йемен, Нигерия)ташкил этади.

Қайд этиш жоизки, кейинги йигирма йил давомида 50 та давлат, шу жумладан Канада, Парагвай, Мексика, Туркменистон, Арманистон, Туркия, Греция, Кипр, Сенегал каби мамлакатлар бу жазодан воз кечди. Шу йилларда фақат 4 давлат (Непал, Филиппин, Гамбия, Папуа янги Гвинея) қонунларида ўлим жазоси тикланган, лекин амалда деярли қўлланмаган. Умуман ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ярмидан кўпи қатл қилинмаган. Чунинчи, 2004 йилда 64 мамлакатдаги судлар 7 395 жиноятчига нисбатан ўлим жазоси тайинлаган, лекин бу жазо фақат 25 мамлакатда 3797 кишига нисбатан ижро этилган. Уларнинг 97 фоизи Хитойда (3400 маҳкум), Эронда (759), Вьетнамда (64) ва АҚШда (59) қатл қилинган.

Деярли ҳамма мамлакатларда узоқ ўтмишдан буён жиноятчиликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келган ўлим жазосига барҳам бериш ҳозирги долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Буни ёрқин мисоли сифатида қўйидаги сайҳаракатларни кўришимиз мумкин. Жумладан, бу борада БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1984 йил 5 майда маъқуллаган “Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари” ва 1989 йил 24 майда тавсия этган “Қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари” номли халқаро ҳужжатларда барча давлатларга бир қатор талаблар қўйилган. Улар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ўз аксини тўла топган. Ўлим жазосига оид амалдаги қонунчилигимиз халқаро андозаларга мос.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” нинг БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 15 декабрида қабул қилган ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомаси барча ҳукуматларни ўлим жазосини бекор қилишга ва бу ҳақда мазкур баённомани имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда мазкур Баённомага 62 мамлакат қўшилган. Бугунги кунда ушбу давлатлар қаторидан Ўзбекистон ҳам ўрин олди. Ҳар бир давлат Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш чоғида ўлим жазоси фақат уруш ҳолати вақтида ўта оғир ҳарбий жиноят содир этганларга қўлланиши мумкинлиги ҳақида эслатиб ўтишига йўл қўйилади.

Давлатимиз суд- ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш борар экан ўз навбатида эришилган натижалардан ташқари, яна шуни қайд этиш лозимки, изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, бу жазо туридан бугунги кунда бутунлай воз кечиш имконини берди.

2007 йил 29 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “ Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши ва унинг урнига умурбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг муҳим босқичи эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қонунинг мазмун ва моҳияти шундан иборатки, бунда умурбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик (ЖК 97- моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155- моддасининг учинчи қисми) учун назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда Жиноят кодексининг 50 – моддасига узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишнинг тушунчаси ва унинг қўлланиш чегарасини белгиловчи норма киритилди. Жумладан, йигирма йилдан ортиқ. Лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик (ЖК 97- моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155- моддасининг учинчи қисми) учун назарда тутилди. Шунингдек , узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Жиноят кодексида киритилган ушбу ўзгартиришларни биз хорижий давлатлар билан қиёсий таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, кўпгина ривожланган давлатларда Германияда - агрессия (151- модда иккинчи қисм) учун, Польшада – жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97- модда иккинчи қисм), агрессия (151- модда иккинчи қисм), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152- модда), геноцид (153- модда), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158- модда биринчи қисм), Швейцарияда - давлатга хоинлик қилиш (157- модда биринчи қисм), Австрияда - жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97- модда иккинчи қисм), Аргентинада- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97- модда иккинчи қисм), Данияда - жосуслик (160- модда), Литвада- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолларда одам ўлдириш (97- модда иккинчи қисм), геноцид - (153- модда), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158- модда биринчи қисм), Голландияда – давлатга хоинлик қилиш (157- модда), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158 – модда биринчи қисм) МДХ давлатларидан Қозоғистонда - агрессия (151- модда иккинчи қисм) , урушнинг қонун ва удумларини бузуш (152 – модда учинчи қисм), геноцид (153- модда), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158- модда биринчи қисм) , Озарбайжонда- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97- модда иккинчи қисм) , агрессия (151- модда иккинчи қисм) , урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152- модда), геноцид (153- модда), терроризм (155- модда учинчи қисм), давлатга хоинлик қилиш (157- модда биринчи қисм), Эстонияда - жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97- модда иккинчи қисм) , Грузияда- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97- модда иккинчи қисм), агрессия (151- модда иккинчи қисм) , геноцид (153- модда), терроризм (155- модда биринчи қисм), Ўзбекистон Республикаси Президинтига тажовуз қилиш (158- модда биринчи қисм) каби жиноятларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланилади.

Қонунга киритилган яна бир ўзгартириш Жиноят кодексининг 15- моддасида жиноятларни таснифлаш моддаси бўлиб, ушбу моддада ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб. Ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар кириши айтиб ўтилган.

Жиноят кодексидаги 43- моддадаги жазо тизими ҳам кексин ўзгартирилиб, асосий жазолар турига умрбод озодликдан маҳрум қилиш ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг яна бир қатор моддалари жумладан, 51-модда, 58-модданинг иккинчи қисми, 59- моддасининг

4,5,6,7 -қисмларига, 60- модданинг 3,4,5,6- қисмларига, 64-модданинг 6- қисмига, 69-моддасининг 5-қисми, 73-модданинг 4- қисми, 76- модданинг 3,4-қисмларига, 97-модданинг 2-қисми, 155-модданинг 3-қисмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Шунингдек Жиноят- ижроия кодексининг, 49- модда, 58- модда, 82- модда 3-қисм, 113-модда 3-қисм, 120- модда 1-қисмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бир қаторда Жиноят – ижроия кодексининг 5-бўлими ўлим жазосини ижро этиш тартиби тўғрисидаги нормалар умурбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш тартиби назарда тутилган нормалар билан ўзгартирилди.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимча эса бевосита умурбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда ушбу қабул қилинган қонуннинг ўзига хос томони биринчи навбатда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва манфаатлари ҳар томонлама кафолатланган бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишимизнинг дебочаси сифатида тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан битилади.

3. Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган фикрлар уйғунлиги.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Юртимизда бу соҳада юз кўрсатаётган ижобий ўзгаришлар Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Аввало бу ўзгаришлар жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либе-раллаштиришда ўз ифодасини топомқда.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни, “Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масалабу жазолаш тизмидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап, айрим мамлакатларида бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда”¹⁴ лиги таъкидланган эди.

Кўп вақт ўтмай ушбу маърузадан келиб чиққан ҳолда 2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Мазкур фармонга кўра, 2008 йилнинг 1 январига қадар республикада ўлим жазоси ЖКдаги жазо тизмидан чиқариб ташланиб, унинг ўрнига умрбод қамок ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши белгилаб қўйилди. Ва бунинг ижроси амалга оширилди.

Шу ўринда мазкур тарихий Фармоннинг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 51- моддасидаги ўлим жазосини ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш каби киритилган ўзгартириш ва қўшимчага қадаргача бўлган жараёнга бир назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, бу жараённинг ҳуқуқий дебочасини давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларида белгилаб берилган бозор иқтисодиё-тига ўтишнинг беш томайилларидан бири «қонун устуворлигини таъминлаш» ташкил этади.

Фармоннинг қабул қилиниши нафақат амалиётчи ҳуқуқшуносларни балки, шу ўринда назариётчи ҳуқуқшунос олимларнинг олдига ҳам бир қатор муҳим илмий изланишлар олиб боришлик талабини қўйди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу борада амалиётчи ва назариётчи олимларимизнинг ўлим жазосини бекор қилишга доир бўлган нуқтаи назарларини ўрганиш билан биргаликда ўзимизнинг ҳам муносабатимиз билдиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ўз-ўзидан бизга маълумки, ҳар-бир воқеа ва ижтимоий ҳодисага муносабатлар турлича бўлади. Шу нуқтаи назардан ўлим жазосини бекор қилишни ёқлаб чиқувчи ҳамда унинг бекор қилинишига мойиллик билдирмайдиганлар ҳам бўлиши табиий бир ҳолдир.

Ўлим жазосини бекор қилиш муносабати билан ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларда муҳокама қилиниши ва илмий асарларда таҳлил қилинди.

Биз эса ушбу баҳс-мунозараларда муҳокама қилинган олим-ларни айрим қарашлар билан танишиб чиқамиз.

¹⁴ И.А.Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». –Т.: Ўзбекистон, 48-б.

Бу борада, М.Х. Рустамбоев шундай ёзади, “Содир қилинган жиноят учун ўлим жазосини белгилаш ёки белгиламаслик муаммоси мана узоқ йиллардирки, олимлар ўртасида катта мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ҳозирги шароитда демократик жамиятда ушбу жазо турининг қўлланиши, инсонпарварлик принцига тўғри келмаслиги, бундай жазо жиноятчиға нисбатан қасос олишми ёки аксинчами, агар у қасос олиша қаратилган бўлса, жамиятнинг инсонға нисбатан бундай жазони қўллашға ҳаққи борми, деган саволларға рад жавобини берувчилар ҳам, маъқулловчилар ҳам етарлидир. Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатади-ки аҳолининг 50 фоизидан 80 фоизигача баъзи оғир жиноятлар учун ўлим жазосини сақлаб қолинишини маъқуллайдилар. Ҳозирги вақтда дунёнинг қатор давлатларида ўлим жазоси энг оғир жазо сифа-тида қўлланиб келинмоқда”¹⁵.

Ҳуқуқшунос олим А.Саидовнинг фикрича, мазкур фармон уч нуктаи назарни ўз ичига олади. Биринчидан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа; Иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислохатларининг узвий таркибий қисми ва муҳим босқичи; Учинчидан, Ўзбекистонда амалда шакллантирилаётган адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган қадам деб баҳолаш мумкин¹⁶.

А.Саидов фикрини давом эттириб яна қуйидагиларни ёзади. “Яна шуни айтиш керакки, Конституциямизнинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир”, деб мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, 13-моддада эса “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Шу боис ўлим жазосини бекор қилиш, биринчидан, санаб ўтилган конституциявий қоидаларни ҳаётга тадбиқ этишни англатади; иккинчидан, инсон ҳаётини олий қадрият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди, учинчидан, бу борадаги жаҳон ҳамжамиятидаги тамойилларға тўла мос келади. Инсоният ўз тарихининг аксарият қисмида оғир жиноятлар учун ўлим жазосини қўллаб келган. Шу боис, ўлим жазосини бекор қилишда аҳолининг фикрини ҳисобға олиш лозим.”Ижтимоий фикр” жамоатчилик мар-казининг социологик тадқиқотларига кўра, сўровға жавоб берганларнинг аксарияти ўлим жазосини бекор қилишға қаршидир, шунинг учун аҳолининг ўртасида кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш лозимлигини таъкидлаган¹⁷.

Сир эмаски, барча замонларда ҳам ўлим жазоси бекор қили-нишнинг тарафдорлари бўлганидек, унинг муҳолифлари ҳам бўл-ган. Ўлим жазоси бекор қилишни маъқуллайдиганлар қуйидаги асосларни келтирадилар: жиноятчиликнинг ўсиши билан ўлим жазосининг бекор қилиниши ўртасида боғлиқлик йўқ; ўлим жазосининг бекор қилиниши айбсиз одамлар қатл этилишини олдини олиш имконини беради; ўлим жазоси дин ва ахлоқ нормаларига зид; умрбод қамоқ жазоси жиноятчини ўлим жазосидан кўра оғирроқ азоб-укубатларға дучор этади.

Ўлим жазоси бекор қилинишиға қарши бўлганлар эса қуйидаги далилларға асосланишади; ўлим жазосини бекор қилиш керак, лекин ҳали эрта (айрим давлатлар тайёр эмас); ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятчиликнинг ортишиға олиб келади; жазо жиноятға мос бўлиши керак; жиноят қурбонининг ҳуқуқлари жиноятчининг ҳуқуқларидан устунроқдир¹⁸.

Айни пайтда кишиларимизнинг муайян қисми ўлим жазоси-нинг бекор қилинишиға қарши ва бу табиий бир ҳол. Негаки, ўлим жазосини бекор қилишдек

¹⁵ М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. –Т.: “ILM ZIYO», 2005. 331-334-бетлар.

¹⁶ А.Саидов. “Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005. 13-б.

¹⁷ А.Саидов. “Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005. 13-б.

¹⁸ О.Зокирова. “Мақсад ва моҳият» . Ҳаёт ва қонун. №4. 2005. 9-б.

мураккаб масала бирон-бир жамиятда бир овоздан маъкулланмайди ёки ялписига инкор ҳам этилмайди. Яқин кишисининг қотилига нисбатан олий жазоўлим жазоси берилишини талаб қиладиган кишини дабдурустдан айблаш ноўрин. Шу билан бирга, ҳозирги замонда дунёда ўлим жазоси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси – ўзаро тўғри келмайдиган тушунчалардир деган фикр тобора уствор аҳамият касб этмоқда¹⁹.

Шу билан биргаликда ушбу фармон замирида инсонпарварлик, адолатпарварлик, бағрикенглик каби ҳалқимизнинг табиатига мос бўлган фазилатлар борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Амалиётчи ҳам назариётчи ҳисобланган ҳуқуқшунос олим А.Шарафутдинов шундай дейди, “ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятлар кўпайишига таъсир қиладими-йўқми, деган саволга келадиган бўлсак, жиноят ва унга тайинланадиган жазо жиноятларнинг ўсиши ёки камайишига мутлоқ таъсир қилмайди. Улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, хусусан, айрим жиноятчиларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг тайинланиши бу тенденцияга мутлоқ таъсир кўрсатмаётгани ҳам бунни тасдиқлайди”²⁰.

Фармоннинг қабул қилинишининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, бунда инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳеч қачон қандай йўл билан бузилмаслигини таъминлаш, инсоннинг яшаш ҳуқуқи кафолати янада кучаяди, давлат инсоннинг ҳаётдан маҳрум қилишдек ноқулай ҳаракатни содир этишдан халос бўлади, баъзан хато ва англашилмовчилик натижасида гуноҳсиз кишиларнинг ҳам ҳаётдан маҳрум қилиниши каби салбий ҳолатларга бутунлай чек қўйилади, мамлакатимиз қонунларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаши янада кучаяди²¹.

Юқорида кўриб ўтган айрим фикрларни таҳлил қилсак, ўлим жазосини бекор қилиш жиноятчиликни ўсишига олиб келади деган фикрга тўхталсак, ушбу фикрни қуйида бир оддий мисол билан асоссиз эканлигини исботлашга ҳаракат қиламиз. Мисол учун: Ўрта асарларда рўй берган қизиқ бир воқеани ёдга олсак. Қисқаси, ўша даврда чўнтаккесар ўғрилар учун ўлим жазоси қўлланилган. Қатл бошқаларга сабоқ бўлишини учун кенг майдонларда амалга оширилган. Шундай ўлим жазосининг ижроларидан бири бўлаётган бир вақтда 17 нафар кишининг чўнтаги кесиб кетилганлиги аён бўлган.

Бундан ташқари, сўровларда “Жазо қанча оғир бўлса, қонунга шунча яхши роя қилинади” деган фикрга қўшилганлар сони ҳозирга кунда қарийиб икки баровар камайди²².

Демак, юқорида таъкидлангани каби, жиноятларнинг олдини олиш ва уларнинг камайиши жазонинг оғирлиги билан белгиланади деган фикр мутлоқо нотўғридир. Аксинча, жазонинг муқаррарлиги билан белгиланар экан.

Шунингдек, баъзан хато ва англашилмовчилик натижасида гуноҳсиз кишиларнинг ҳам ҳаётдан маҳрум қилиниши каби салбий ҳолатларга бутунлай чек қўйилади, деган фикрга эътиборни жалб қилсак. Дарҳақиқат, жиноятчини ўлим

¹⁹ Б.Мустафоев. “Инсонпарварлик ва адолат тамойилларига садоқат ифодаси». Ҳаёт ва қонун. №4. 2005. 5-6.

²⁰ А.О.Шарафутдинов. «Жазонинг муқаррарлиги – жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир курсатади». Ҳаёт ва қонун. 2005. №4. 10-6.

²¹ С.Саидғозиева. “Одиллик мезони”. Ҳаёт ва қонун. 2005. №4. 12-6.

²² Долгова А.И. Криминологические исследования взаимосвязи правосознания и преступности. Криминологические проблемы правосознания и общественного мнения о преступности. –М. 37 б.

жазосига ҳукм қилаётган судлар томонидан хатога йўл қўйилмаслигига юз фоиз кафолат йўқ ва ҳеч ким бундай кафолатни ҳам беролмайди, ҳаттоки, жонжаҳди билан ўлим жазосини бекор қилинмаслигини ёқлаб чикувчи ҳоҳ назариётчи олим бўлсин ҳоҳ оддий бир фуқаро бўлсин, ҳуллас ҳеч ким бундай қатъий кафолат беришга ҳаққи йўқдир, бу эса мантиқсизлик ҳам бўлади. Чунки, адашиш ва янгилиши, умуман хатога йўл қўйиш биз хоҳласак ёки хоҳламасак ҳам инсоннинг табиатига хосдир. Қўплаб давлатларда жиноятга умуман алоқаси бўлмаган шахсларнинг ўлим жазосига ҳукм қилинганлиги ҳолатлари ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Бу ҳақда фикримизни тасдиқловчи маълумотлар етарлидир.

Охирги ўн йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда учта мамлакат ўлим жазосини бекор қилаётир. Ҳозирда 112 мамлакатда қонун ёки амалда ўлим жазоси бекор қилинган, 83 та мамлакатда эса бу жазо қўлланилмоқда. Хитой, Эрон, Япония ва АҚШ шундай мамла-катлар жумласига киради. Чунончи, АҚШ нинг 50 та штатидан 38 да ўлим жазоси жазо тури сифатида қўлланилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўлим жазоси масаласи дунё ҳуқуқшунослари, олимлар, амалиётчи, сиёсатшунос, файласуф ва руҳшунослар ўртасида қарийб минг йиллардан буён тортушувларга сабаб бўлиб келаётганлиги сир эмас. Тарихий манбааларнинг гувоҳлик беришича, қадимги грек файласуфи Диодот халқ мажлисида нутқ сўзлаб, ўлим ўта қаттиқ шафқатсиз жазо эканлиги, уни амалда қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмаслигини, унинг самарасиз жазо тури эканлигини ўша давр амалиётидан аниқ мисоллар билан исботлаб берган.

Ч.Беккария ўзининг энг машҳур «Жиноят ва жазо ҳақида»ги асарида «ўлим жазоси фойдасиз, чунки у инсонни қаҳри қаттиқ бўлишига олиб келади». Унинг фикрича, ўлим жазоси жиноятнинг олдини олиш вазифасини бажармайди, бундай жазон қўллаш учун инсонларга ҳеч қандай қонуний ҳуқуқ берилмаган, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу жазога адолатсизлик деб қаралиши лозим.

Ўз даврининг илғор маърифатчиси бўлган бу мутафаккир жазонинг мақсади айбдорнинг яна жамиятга зарар етказмаслиги ва бошқаларнинг ҳам зиён етказишдан сақлашидан иборат бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурган²³. Худди шундай фикрни ҳуқуқшунос олимлар Ю.Пулатов ва У.Мамадалиевлар ҳам тасдиқлашганлар²⁴.

Бироқ, немис файласуфлари А.Фейрбах, И.Бентам, И.Кант, Г.Гегеллар ўзларининг ижобий ғояларини илгари суриб, жиноят қонунларининг қатъийлиги инсонларни жиноятдан тийишига ша-роит яратади деган тамойилларни айтганлар.

Ҳозирги замон рус олими В.Квашиснинг таъкидлашича, “умумий превенция нуктаи назаридан ўлим жазоси институтининг криминологик аҳамияти йўқ. “20-аср бошларидаёқ криминологик фан ўлим жазосини қўллаш” самара бермаслигини ишонарли тарзда исботловчи жуда катта эмпирик маълумотлар тўпланган эди” деб асослайди²⁵.

Бу фикрни қуйидаги маълумотлар билан асослашга ҳаракат қиламиз. Германияда Карл V даврида 100 минг нафар, Англияда Генрих VII томонидан 70 минг нафар, Нидерландияда Филипп II томонидан 18 минг нафар кишига нисбатан ўлим жазоси белгиланган бўлса, Россия тарихида Иван Грозний деб ном олган Иван IV даврида қабул қилинган “Суд хужжати”да 60 турдаги жиноятларга нисбатан ўлим

²³ О.Ўсаров. “Мақсад: бағрикенглик ва адолат. Ўлим жазоси: кеча ва бугун”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005 й. 7-б.

²⁴ Ю.Пулатов ва У.Мамадалиевлар. “К вопросу об отмене смертной казни в Республике Узбекистан». ХУҚУҚ-ПРАВО-LAW” 2005. №4.15-16-бетлар.

²⁵ О.Ўсаров. “Мақсад: бағрикенглик ва адолат. Ўлим жазоси: кеча ва бугун”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005. 7-б.

жазоси белгиланган. Аммо, минг афсуслар бўлсин-ки, уларнинг барчаси юқорида номлари санаб ўтилган давлатларда жиноятчилик камайиши ўрнига йилдан-йилга ошиб боравергани тарихий ҳаққатдир.

Ўлим жазоси каби жазо билан шафқатсизларча жазолаш фақат янада кучли шафқатсизликни келтириб чиқариш мумкин дейди, олима М.Ражабова²⁶, биз ҳам ушбу фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда юқорида келтириб ўтилган тарихий рақамларини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Энди биз ўлим жазосига доир бўлган халқаро ҳужжатларга бир назар ташласак. Ўлим жазосига оид иккита асосий халқаро ҳужжат бор;

- ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлаш чоралари – БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1984 йил 5 майда маъқуллаган;

- қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари - БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1989 йил 24 майда тавсия этган. Ушбу иккита халқаро ҳужжатда назарда тутилган нормаларнинг деярли барчаси миллий қонунчилигимизнинг негизига сингдирилган. Биз мазкур номлари зикр қилинган халқаро ҳужжатларнинг мазмунини таништиришни лозим топмаймиз. Сабаби, бу ЖКнинг фалсафий негизларига уйғунлаштирилиб юборилганлигидир.

Ўлим жазоси ва унинг қўлланиши тўғрисида қонунчилик қадимдан то ҳозиргача ўта мушкул маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий муаммолардан бир бўлиб келмоқда деб, фикрини давом эттиради ҳуқуқшунос олим Ғ.Абдумажидов, “бу ҳақда бири-биридан ишончли чуқур мулоҳазалар билан асосланган уч йўналишдаги ғоялар мавжуд. Биринчи ғоя тарафдорлари ўлим жазосини инсон ҳуқуқи-ахлоқига ўта зид ва мақсадга мувофиқ бўлмаган чора эканини исботлаб, уни дарҳол бекор этилишини талаб қиладилар. Иккинчи ғоя тарафдорлари ўлим жазосига жамиятнинг осойишталигига жиддий раҳна солувчи хавфдан муҳофазалаш учун шахснинг ҳуқуқини чеклаш етарли бўлмаганда уни жисмонан йўқ қилиш деб қарайдилар. Учинчи ғоя тарафдорлари ҳам ўлим жазосини зарур деб ҳисобласада, уни тобора кам қўллаш ва пировард натижада аста-секин бекор қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар²⁷.

Бундан кўриниб турибдики, уч хил фикрдан фақат биргина бу жазони қўлламасликка мойил. Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровларда уларнинг 60-70% ўлим жазосини бекор қилмасликни тараф-дорларини ташкил қилишлигини кўрастмоқда. Кундалик ҳаётга бир назар ташласак, айрим одамлар нафақат жиноий, оддий ҳисобланган ахлоққа қарши қаратилган ҳаракатларни содир қилган одамларни ҳам ўлдириш керак, деб ғазабланидилар. Ваҳоланки, ўзгани ҳаётидан маҳрум қилишидек ўта жиддий ва мураккаб масалани асло таъсирчанлик ва ҳиссиётларга берилиб ҳал этиш ярамайди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр» маркази шу йили май ойида 1342 кишидан иборат таркибда сўров ўтказган бунга кўра, улар 1999 йилга қараганда 70,9% ўлим жазосини бекор қилишни ёқлаган. Европанинг ўлим жазоси бекор қилинган мамла-катларида оғир ва ўта оғир жиноятлар бир мунча камайганлигини гувоҳи бўлиши мумкин. Аксинча, ўлим жазоси қайта тиклангандан сўнг эса яна жиноятлар кўсатгичи ўсганлигини тасдиқловчи аниқ маълумотлар мавжуд.

²⁶ М.Ражабова. “Жазонинг мақсади – жавобгарликдан огоҳ этиш” Инсон ва қонун. 2005. №9 1-б.

²⁷ Ғ.Абдумажидов. “Ўлим жазосини бекор қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий аҳамияти” ҲУҚУҚ-ПРАВО-LAW” 2005. №4. 11-14-бетлар.

Илмий адабиётларда ўлим жазосини биринчилардан бўлиб бекор қилишни илгари сурган таниқли олим бу Ч.Беккариадир. Унинг фикрича ўлим жазоси фақат сиёсий соҳадаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиши лозим²⁸.

Немис олими К.Миттермайер ўлим жазосининг ижтимоий моҳиятига тўғрисида кўп амалий таҳлилларни ўтказиб, бу жазо турининг омманинг олдида очиқ равишда ижро этиш зарарли эканлигини ишонарли далиллар билан исботлаган бўлса, яна бир немис олими Гетцель ва унинг француз маслакдоши Гаус ўлим жазоси та-рихидан маълумотлар бу жазо адолатсиз ва ноақлликдан иборат, ахлоқсизлик ва ваҳшийликлар деган хулосага келганлар²⁹.

Ўлим жазоси давлатимизнинг жиноятга оид сиёсатида фавқулодда ва вақтинчалик жазо чораси сифатида қаралади. Жиноят статистикасининг кўрсатишича, ўлим жазоси ҳозирги шароитда жуда ҳам кам қўлланилади. Кўпинча у ЖК 51-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, афв этиш тартибида жазо махсус режимидаги колонияда ўталадиган 25 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилади³⁰. Худди шундай фикрга айнан ўхшаш фикрни Қирғизистонлик олима Л.Ч.Сыдыкова ҳам тасдиқлаган³¹.

Ўлим жазоси “Халқаро амнистия” жамиятининг охириги сўровларига кўра, 85 та давлат ҳудудий тузилмаларда батамом бекор қилинган, 11 та давлатда энг ашаддий жиноятчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин, 24 та давлат қонунларида бу жазо назарда тутилмаган. Қолган 76 та давлат ва ҳудудий тузилмаларида ўлим жазоси қўлланилиб келинаётганлиги ёзилган.

Афсуски, ноҳақ ўлим жазоси тайинлаш ва ижро қилиш ҳоллари оз эмас. Хусусан, АҚШ да 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган. Кейинги 30 йил мобайнида бу жазога маҳкум этилганлардан 121 киши айбсиз экани аниқланиб, ўлим камераларидан озод қилинган³².

Юқоридаги фикрлардан ва келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўлим жазосини қўллаш жараёнида судлар томонидан дунёнинг энг демократик ҳуқуқий давлати ҳисобланиб келаётган АҚШ да ҳам 350 нафар кишига нисбатан айблов ҳукми ноҳақ ижро этилганлигининг ўзи бизнингча, ўлим жазосини ўрнига умрбод озодликдан мааҳрум қилиш жазосини тайинлаш жазоси билан алмаштиришга сабаб бўлди. Ўлим жазоси муаммосини умумий ҳуқуқда тутган ўрни билан ҳам баҳолаб, бир қатор мамлакатимиз олимлари уни бекор қилишни ёқлаб чиқдилар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздирки, инсон ҳуқуқлари, жумладан инсоннинг яшаш ҳуқуқи давлатнинг инсонга берган совғаси эмаски, уни ҳаётдан маҳрум этиб ташланса.

Бирок, дунё ранг-баранг ва ўлим жазосига нисбатан ҳам бир хил ёндошув ҳозирча мавжуд эмаслигин ҳамда инсоният мазкур муаммони узил-кесил ҳал қилишга ҳали тайёр бўлмаса керак деб ҳисоблайдилар³³.

²⁸ Ўша манба. 12-б.

²⁹ Шу ерда.

³⁰ А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. 324-325-бетлар.

³¹ Қаранг Л.Ч.Сыдыкова. «Система и виды наказаний по Кыргызской Республики». Бишкек.: 1999. 279 б.

³² Ғ.Абдураҳимов. “Ўлим жазосини бекор қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий аҳамияти” ХУҚУҚ-ПРАВО-LAW” 2005. №4. 12 б.

³³ Қ.П.Пайзуллаев, Н.С.Салаев, Б.А.Бобокелдиев. “Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда”. – Т.: 2005. 201 б.

Кейинги бир ярим аср давомида ҳуқуқий адабиётлардаги билдирилган ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорларининг диққатга сазовар айрим фикрларини билдириб ўтамыз.

-инсонга ҳаётни Аллоҳ бериши, ундан ҳеч ким, жамият ва дав-лат ҳам маҳрум этиши мумкин эмас, чунки бу динга шак келтириш билан боғлиқ;

- қотил-жамият тузумининг маҳсули, жамият ҳам бу учун айб-ли;

- қотилдан ўч олиш бу шафқатсизлик ва ваҳшийликдир;

- қотил одатда ўлим жазосидан эмас умрбод тутқунликда бўлишдан кўрқади;

- умрбод қамок жиноятчини қайта тарбиялашни инкор этмай, тавба қилишга имкон беради;

- одатда қотил руҳий соғлом эмас, беморга эса ўлим жазоси бериш адолатсизликдир;

- қотил қамокда ўз меҳнати, баъзан заковати билан жамият ол-дида ўзини оқлаш имкониятига эга бўлади³⁴.

Ўлим жазосининг тарафдорлари, бизнингча, кўроқ ҳиссиётга бериладилар ва юқоридаги ҳаётий мантикий фикр-мулоҳазаларни инкор этишга арзигудек важ келтира олишмайдилар.

Шунингдек, аҳолига мазкур муаммонинг ижобий хал қилиниши Ўзбекистоннинг **халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаши**, инсон ҳаёти олий неъмат эканлигини, уни қўриқлаётган жа-миятда ўлим жазосининг қўлланилиши ўринли эмаслигини тушун-тириш лозим.

Хуллас, ўлим жазосининг Жиноят кодексидан чиқарилиши ҳамда умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий сиёсатини либераллаштирилиши жараёнининг ҳақиқий ифодаси сифатида эътироф этилиши мумкин.

³⁴ Ғ.Абдумажидов “Ўлим жазосини бекор қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий аҳамияти” ҲУҚУҚ-ПРАВО-LAW” 2005 й. №4. 13 б.

4. Жаҳон мамлакатларида ўлим жазоси ва уни ижро этиш.

Ўлим жазоси минг йиллардан бери мавжуд. Унинг қурбонлари миллионлар билан ўлчанади. Ўлим жазоси деярли ҳар бир давлатда, илғор давлатларда ҳам, мустабид деб эътироф этилган давлатларда ҳам, Европа давлатларида ҳам, Шарқда ҳам қўлланилган. Ушбу жазо турини мусулмонлар ҳам, христианлар ҳам қўллаганлар.

Аммо бугунги кунда ўлим жазосининг тарафдорлари сони камайиб бормокда. Зеро, инсон ҳаёти қимматининг эътироф этилиши мазкур жазо турига бошқача назар ташлашга мажбур қилмокда. Ўлимни жазо тури сифатида қўллашга қаршилар ўлим жазоси жиноятчиликни тўхтатишга ва жамиятнинг маънавий негизларини мустаҳкамлашга қодир эмаслигига инсоният ўз тажрибасида иқрор бўлмокда, деб эътироф этишмокда.

Охирги ўн йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда учта мамлакатда барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинмокда. Тарихда биринчи бўлиб ўлим жазоси АҚШнинг Мичиган штатида 1846 йилда бекор қилинган эди. Европада эса 1867 йилда Португалияда ушбу жазо бекор қилинди¹.

1999 йили бўлиб ўтган ўлим жазосини бекор қилиш масалалари бўйича Бутунроссия конференциясида эълон қилинган маълумотларга кўра, 1999 йилнинг апрелигача БМТга аъзо 185 мамлакатдан 112 таси ўлим жазосини бекор қилган, қолган 73 мамлакатдан 40 тасигина бу жазони охирги бир йил ичида амалда ижро этган².

«Халқаро амнистия» ташкилотининг охирги маълумотларига кўра:

- 80 давлат барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилган;
- 15 давлат фавқулодда ҳолатлардан (масалан, ҳарбий жиноятлардан) ташқари, ҳар қандай жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилган;
- 23 давлатни аболиционист деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур мамлакатлар қонунчилигида ўлим жазоси назарда тутилган, аммо охирги ўн йил ёки ундан кўпроқ вақт мобайнида ўлим жазоси ҳақидаги биронта ҳам ҳукм ижро этилмаган; шунингдек ушбу мамлакатларда бундай ҳукмларни ижро этмаслик сиёсати ёки шаклланган амалиёти мавжуд. Шунга кўра, ўлим жазосини қонун йўли билан бекор қилган ёки амалда қўлламайдиган давлатлар сони 118 тага етади;
- қолган 78 давлат ва ҳудудий тузилмалар ўлим жазосини сақлаб қолмокда ва уни амалда қўлламокда. Аммо маҳкумларни муайян йил давомида амалда қатл этган мамлакатлар сони анча кам³.

Ўтган ўн йилликда жаҳонда ўрта ҳисобда йилига учтадан давлат барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилди. 1990 йилдан 35 дан ортиқ давлат ва ҳудудий тузилма барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилди. Улар орасида Африка давлатлари (масалан, Ангола, Кот-Д'Ивуар, Маврикий, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси), Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари (Канада, Парагвай), Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари (Бутан, Гонконг,

¹ Қаранг: Дмитрий Чиркин: Смерная казнь в России: за и против. <http://pravda.ru/main>

² Қаранг: Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни, Москва, 3-4 июня 1999 г. М., 2000. – 119 б. (Сержио Делиа (Италия) маърузаси).

³ Қаранг: <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материаллари.

Непал, Самоа, Туркменистон), шунингдек Европа ва Жанубий Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Грузия, Кипр, Польша, Сербия ва Черногория, Украина) бор⁴.

Чунончи, энг демократик давлатлардан бири бўлган АҚШнинг 50 штатидан 38 тасида ўлим жазоси назарда тутилган. Ушбу мамлакатлар сиёсий эркинлик даражаси, анъаналари ва маданияти, иқтисодиёт ва ҳуқуқ тизимларининг ривожланиш даражасига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилади, аммо уларнинг барчасини ўлим жазоси сақланганлиги бирлаштириб туради.

1965 йилдан жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатлари ўзларининг жиноят қонунчилигида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар доирасини кенгайтди. 22 та давлат «давлат хавфсизлиги» билан боғлиқ жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилишини лозим деб топди. Булар орасида сезиларли қисмини сиёсий жиноятлар ташкил қилади. Дунёнинг 13 мамлакати ўлим жазосини терроризм учун белгилади. Шу билан бир қаторда одамлар ўлимига сабаб бўлган самолётни олиб қочиш, гаров сифатида ушланган шахсларни ўлдириш (Миср, Кувайт, Индонезия, Япония ва АҚШ) учун ўлим жазоси тайинланганлиги шулар жумласидандир. 12 та мамлакатда эса ўлим жазосини жинсий жиноятлар учун; Покистонда товон олиш мақсадида одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар учун, шунингдек тамағирлик ниятида бола ўғирлаш, хиёнат қилганлик учун, Тунисда, Тайланд ва Сомалида ҳам – хиёнат қилганлик учун, айнан шу мамлакатларда ва Миср, Жанубий Корея ҳамда ЖАРда – номусга тегиш жинояти учун, Сирияда эса вояга етмаган шахсни жинсий таҳқирлаш, мусулмон бўлмаганлар билан жинсий алоқа қилганларга нисбатан қўлланилган.

Жаҳон мамлакатлари ичида 22 та давлат гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний равишда савдо-сотиқ (наркобизнес) учун ўлим жазоси ўрнатган (Хитой, Эрон, Миср, Малайзия, Сингапур, Бирма, Индонезия ва бошқалар). Таъкидлаш жоизки, 1979 йилга келиб бундай мамлакатлар сони 10 тага етган.

Баъзи мамлакатларда ўлим жазоси одамларни ўғирлашга (Малайзия), жамоат тартибини бузиш, безорилик, фоҳишахона сақлаш, порнографик маҳсулотларни, яъни турли хилда порнографик расмлар, кинофильмлар савдоси билан шуғулланиш ёки уларни намоиш этишга (Хитой), одамлар ўлимига сабаб бўлган транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқаришга (Болгария), Ливияда эса алкоғолли ичимликларни суиистеъмол қилган шахсларга нисбатан қўлланилган. Дунёнинг 15 давлатида (Болгария, Гана, Эрон, Нигерия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Сомали, ЖАР, Судан ва бошқаларда) ўлим жазоси иқтисодий жиноятлар учун, жумладан, коррупция, давлат мулкани талон-торож қилиш, божхона хизматчиларига ҳужум қилиш, қуролли босқинчилик каби жиноятлар учун қўлланилган. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу давлатларнинг 7 тасида ўлим жазоси кўп миқдорда талон-торож қилганлик ва пора олганлик учун ҳам тайинланган. Айрим Шарқ мамлакатларида ўлим жазоси зино қилиш, номусга тегиш, бесоқолбозлик, номусулмон эркак ва мусулмон аёл ўртасидаги жинсий алоқа учун назарда тутилган. Яқинда бу жазо Ливияда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш учун белгилангани ҳақида маълумот берилди¹.

1996 йилдан буён БМТ комиссияси ўлим жазосининг олиб ташланиши муаммоси бўйича изланишлар олиб бормоқда ва бу борада муайян натижаларга эришмоқда. 1989 йилдан 1995 йилгача 25 давлат ушбу жазо турини бекор қилди. 1995 йилнинг

⁴ Ўша жойда.

¹ Қаранг: Российская газета. 1996 й. 7 июнь.

охирида 72 давлат уни бекор қилган эди. 1990 йиллар ўртасида ўлим жазосидан воз кечган давлатлар сирасига Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцария ва Греция каби давлатларни киритиш мумкин. 1993 йилга келиб Болгария давлати ўлим жазосига нисбатан мораторий эълон қилди. 1995 йилда Испания, Молдова ва ЖАР, 1996 йилда Болтиқбўйи давлатлари, хусусан, Литва ва Латвия ўлим жазосига мораторий эълон қилди. 1997 йилнинг бошида Эстонияда ўлим жазоси бекор қилинганлиги эълон қилинди.

Шу билан бирга бунга қарама-қарши ҳоллар ҳам мавжуд. Ўлим жазосини бекор қилган мамлакатларнинг тўрттасигина олий жазони қайта тиклаган. Шу давлатлардан бири – Непал ҳозирда ўлим жазосини яна бекор қилди; тагин бир давлат (Филиппин) аввал ўлим жазосини тиклади, сўнгра ҳукмларнинг ижро этилишини яна тўхтатиб қўйди. Қолган икки давлат (Гамбия, Папуа Янги Гвинея)да ўлим жазосини тайинлаш ҳолатлари қайд этилмаган².

1965 йилдан бошлаб 50 дан ортиқ мамлакат ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхатини кенгайтирди. Булар жумласига, Хитой(1979 йилги Хитой Жиноят кодексида 15 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, 1982-1983 йилларга келиб уларнинг сонига яна 14 та жиноят қўшилди), Корея, Саудия Арабистони каби давлатларни киритиш мумкин.

Энди юқоридаги ва бошқа жаҳоннинг турли давлатларида ўлим жазосининг қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатларни умумлаштирган ҳолда батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Адабиётларда мамлакатларни ўлим жазосини қўллаш амалиётига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш қабул қилинган:

1. *Қонунчилигида ҳеч қандай жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилмаган мамлакатлар*. Бу гуруҳга 1989 йилда 35 давлат кирган бўлса, 1995 йил охирига келиб бундай мамлакатлар сони 60 тага яқинлашган. Буларга Европа мамлакатлари (Австрия, Германия, Дания, Исландия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Франция, Чехия, Швеция), шунингдек Австралия ҳамда Лотин Америкасидаги айрим мамлакатлар киради. Шундан кейин ўтган давр ичида ўлим жазосидан воз кечган мамлакатлар рўйхатига энг аввало бир қанча Европа мамлакатлари (Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Греция, Грузия, Венгрия, Ирландия, Испания, Италия, Латвия, Литва, Македония, Молдова, Польша, Руминия, Словакия, Словения, Эстония) қўшилди. 1999 йил охирига келиб бу рўйхатдаги мамлакатлар сони 80 тадан ошиб кетди¹. Бунда 1983 йил 28 апрелда «Инсон ҳуқуқларини ва унинг асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1950 йил 4 ноябрь Европа конвенциясига 6-сон Баённома қабул қилган Европа Кенгаши муҳим рол ўйнади. Гарчи бу Баённома 1983 йилда қабул қилинган бўлса-да, юқорида зикр этилган мамлакатларнинг аксарияти унга охириги 3-5 йил ичида қўшилди ва ўлим жазосини бекор қилди. Шунинг ўзидаёқ дунё мамлакатларида ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган тенденция бирданига кучайганлиги намоён бўлади.

Ўтган давр ичида Европа мамлакатларидан ташқари бошқа айрим мамлакатларда, хусусан, Ангола, Маврикий, Мозамбик, Намибия, Жанубий Африка республикаси ва бошқа бир қатор давлатларда ҳам ўлим жазоси бекор қилинди.

² Қаранг: <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материаллари

¹ Қаранг: Кваши В.Е. Смертная казнь: мифологические представления и криминологические реалии // Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни. – 8 б.; шунингдек 33-34 б. (Европа Кенгаши Бош котиби Даниэль Таршиш маърузаси).

2. *Ўлим жазоси фақат ўта оғир жиноятлар ёки алоҳида вазиятларда, масалан, уруш пайтида содир этилган жиноятлар учун тайинланиши мумкин бўлган мамлакатлар.* Бу гуруҳга 1995 йилда 14 мамлакат, шу жумладан Буюк Британия, Греция, Кипр, Мальта, Непал каби Европа мамлакатлари, шунингдек бошқа мамлакатлар (Аргентина, Бразилия, Исроил, Канада, Мексика) кирар эди. 1989 йилда уларнинг сони 18 тани ташкил этди. Лекин кейинчалик уларнинг бир қисми, масалан, Испания, Италия, Швейцария ўлим жазосини бутунлай бекор қилиб, биринчи гуруҳга ўтди.

3. 1999 йилгача олинган маълумотларга кўра, 25 тага яқин мамлакат ва ҳудудлар ўз қонунчилигида ўлим жазосини сақлаб қолган, лекин охириги 10 йил ва ундан кўпроқ вақтдан бери уни амалда қўлламаётган давлатлар гуруҳи (Чили, Конго, Гватемала, Туркия ва бошқалар)ни ташкил этади. Бундай мамлакатлар рўйхатида сезиларли ўзгариш содир бўлганича йўқ. 1989 йили учинчи гуруҳга 27 мамлакат ва ҳудудлар кирган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 30 тага етди. Сўнгги йилларда бу гуруҳга кирган айрим мамлакатлар (Болгария, Латвия, Литва, Эстония, Озарбайжон, Грузия, Арманистон) ўлим жазосини бутунлай бекор қилди.

4. Ниҳоят, 1999 йилда 87 мамлакат умумий жиноятлар учун ўлим жазосини қўллаган. Улар қаторига собиқ Иттифоқнинг айрим республикалари, Вьетнам, Куба, шунингдек Осиёнинг бир қанча мамлакатлари (Афғонистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Жанубий Корея, Шимолий Корея, Қувайт, Покистон, Япония ва бошқалар), Африка давлатлари гуруҳи (Замбия, Зимбабве, Кения, Нигерия ва бошқалар), барча араб давлатлари (Миср, Ливия, Иордания, Ироқ, Эрон, Сурия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқалар) киради. Америка Қўшма Штатларида ўлим жазоси 38 штатда белгиланган. 1995 йили бундай мамлакатларнинг умумий сони 90 тани ташкил этди.

Сўнгги йилларда кўпгина мамлакатларда аболюционистлар – ўлим жазоси тўла бекор қилиниши тарафдорларининг ҳаракати кенгайиб бормоқда. Бунда «Халқаро амнистия» ташкилоти катта рол ўйнамоқда. Бу ноҳукумат ташкилот дунёда жуда катта обрўга эга бўлиб, унинг вакиллари кўпгина давлатларда иш олиб боради. Ташкилот фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири – турли давлатлар қонунчилиги ва уларда ўлим жазосининг қўлланилиши ҳақида материаллар тўплаш ва уларни эълон қилиш ҳисобланади.

Ўлим жазоси амал қилиши мумкин бўлган шахслар доираси масаласи турли мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида ҳар хил ҳал қилинган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро битимларга мувофиқ, жиноят содир этган вақтда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга ўлим жазосини тайинлаш тақиқланган. Тегишли қоидалар Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка Конвенциясида ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Қонунчилигида муайян жиноят турлари учун олий жазо назарда тутилган 110 дан ортиқ давлатда вояга етмаган жиноятчиларни қатл этишни тақиқловчи қоидалар амал қилади ёки бу мамлакатларда вояга етмаган жиноятчилар қатл этилмайди, деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд, чунки улар юқорида зикр этилган халқаро битимларнинг бири ёки ундан кўпроғига аъзо бўлган мамлакатлардир¹.

1990 йилдан бери жиноят содир этган пайтгача ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкумларни қатл этган саккиз давлат ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу Конго

¹ Қаранг: <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материаллари.

Демократик Республикаси, Эрон, Яман, Хитой, Нигерия, Покистон, Саудия Арабистони ва АҚШ. Бугунги кунда Хитой, Покистон ва Яман ўлим жазосини қўллашнинг қуйи чегарасини 18 ёшгача кўтарди, Эронда мазкур жараён бошланди, аммо ҳали охирига етказилгани йўқ. Вояга етмаган жиноятчилар энг кўп қатл этилган мамлакат бу АҚШдир (1990 йилдан бери 19 ҳолат)².

2003 йилда «Халқаро амнистия» ташкилоти вояга етмаган жиноятчиларнинг қатл этилиши билан боғлиқ икки ҳолатдан хабар топди (бири Хитойда, иккинчиси – АҚШда). 2004 йилда Эронда иккита шундай ҳолат қайд этилди³.

Бизнинг жиноят қонунчилигимизга мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Ўлим жазосига нисбатан эса бу чегара ўн саккиз ёшгача кўтарилган. Аммо яқин ўтмишда суд ҳукмига биноан ўн беш яшар ўсмирлар ўлимга ҳукм қилинган ва қонундан бундай четга чиқиш содир этилган қилмишнинг ўта оғирлиги билан тушунтирилган ҳоллар ҳам бўлган. Бундай ёндашувни тўғри деб бўлмайди, у қонунга зид. Тўғри, вояга етмаганлар баъзан жуда шафқатсиз бўлади. Аммо уларни ким шундай қилиб тарбиялаган? Катталар. Жамиятда яшашга мослашмаган одамни ўлимга ҳукм қилиш мумкин эмас. Қадимда сиёсий мухолифларнинг, даҳрийларнинг фарзандлари қатл қилинган. Аммо биз ҳозир маърифатли ХХІ асрда яшаймиз. Вояга етмаганларга энг оғир жазони назарда тутиш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, ўлим жазосини бекор қилишни ўсмирлардан, вояга етмаган фуқаролардан бошлаш керак. Уларни жиноят содир этишга, айтайлик, одам ўлдиришга оғдирган кимсаларни эса энг оғир жазага тортиш лозим. Бу адолатдан бўлади.

Шуни назарда тутмоқ керакки, БМТга аъзо кўпчилик мамлакатлар вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазосини қўлламаслиқни ёқлаб чиқишмоқда. Шу билан бирга бу фикрни қўллаб-қувватлайдиган давлатлар ҳам йўқ эмас. Халқаро амнистия ташкилоти 18 ёшдан бошлаб ўлим жазосини қўллаётган 72 та давлатни мисол қилиб келтирган. Айрим давлатларда эса ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган ёш чегараси 20 ёшдан (Болгария, Венгрия, Куба), 21 ёшдан (Греция (ўлим жазоси бекор қилинган)) ва 22 ёшдан (Парагвай) қилиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан 18 ёш – бу ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган энг минимал халқаро стандарт ёшдир.

Лекин бир қатор давлатларда 18 ёшга тўлмаган жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини қўллашга нафақат қонунчиликда рухсат этилган, балки амалиётда қўлланиляпти ҳам. Халқаро амнистия ташкилоти маълумотларига кўра, бундай мамлакатлар қаторига Бангладеш, Покистон, Барбадосс, АҚШ, Ироқ ва Эронни киритиш мумкин.

Аммо жаҳоннинг айрим мамлакатларида одатга мутлақо ҳилоф ҳолатни кузатиш мумкин. Яъни Жанубий Корея, Бирма, Судан, Ҳиндистон, Эрон, Малайзия каби мамлакатларда ўлим жазосига нисбатан субъект ёши чегараси қонунчиликда умуман белгиланмаган бўлса, Зимбабве, Барбадосс ва бошқа бир қатор кичкина мамлакатларда бу ёш чегараси 16 ёш қилиб кўрсатилган.

АҚШнинг 15 штатида ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган энг минимал ёш 12 ёшдан 17 ёшгача деб қонунчиликда қайд этилган бўлса, 11 штат ва федерал округда эса, юқорида зикр этилган айрим давлатлардагидек, бу ёш чегараси аниқлаштирилмаган. АҚШнинг 26 штатидаги ҳолат БМТ томонидан ўрнатилган халқаро стандартларга тўғри келмаслигини кўришимиз мумкин.

² Қаранг: <http://www.belamnesty.narod.ru> сайти материаллари.

³ Ўша жойда.

Баъзи давлатларнинг вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини қўллашни бекор қилмаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосининг тарафдорлари ўзларининг фикрларини қуйидагича, яъни «бу каби инсонлар шундай оғир жиноятлар содир этишадики, уларнинг бу хатти-ҳаракатлари уларни жамият ичида яшаш учун лойиқ эмас деб топишга олиб келади», деб асослашга ҳаракат қиладилар. Ушбу масалада олиб борилган текширувлар шуни кўрсатганки, кўпчилик ўта хавфли жиноятчилар ўзларининг «доимий» жиноий фаолиятини вояга етмай туриб бошлашган. Зеро, жиноятчи жиноят содир этишни қанча ёш бошласа, унинг тарбияланиши ҳам шунчалик қийин кечади. Шундай бўлса-да, бизнингча, вояга етмаганларга нисбатан жазоларни енгиллаштирилган ҳолда қўллаш лозим. Чунки бу ёшдаги инсонлар ҳали тўлиқ вояга етмаган бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларини тўлиқ бошқара олмайди (албатта, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда) ва кўпчилик ҳолларда уларга ўз ақли эмас, балки ҳиссиётлари кўпроқ таъсир кўрсатади ва ушбу психологик категория уларни бошқариб туради. Уларнинг руҳияти ҳали мустаҳкамланмаган, шахси эса тўла шаклланмаган ҳолатда бўлади. Бундай ҳолда катта ёшдагиларга нисбатан қўлланиладиган талабларни уларга ҳам татбиқ этиш адолатдан эмас. Зеро, қонунчилик вояга етиш ёшини бекордан-бекорга 18 ёш қилиб белгилаб қўймаган-ку. Бу ерда қонунчи вояга етганликнинг ёш чегарасини белгилашда шахснинг жисмоний, ақлий, руҳий ва умуман ҳар томонлама ривожланганлик даражасини ҳисобга олган бўлса, не ажаб.

Халқаро ташкилотлар қарияларга нисбатан ўлим жазосини қўллашдан воз кечиш таклифини кўп марта берганини таъкидлаб ўтиш жоиз. 1988 йилнинг август ойида БМТга жиноятчилик ҳақида хабар берувчи Қўмита БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашига аъзо давлатларга қуйидагиларни, яъни «ўлим жазосига ҳукм қилмаслик ва ижро этмаслик ёшининг энг юқори чегарасини» ўрнатишни етказиш таклифи билан мурожаат қилди. Бу каби нормаларни баъзи мамлакатларда учратиш мумкин. Масалан, Монголияда 60 ёшдан ошганлар, Гватемала ва Суданда эса 70 ёшдан ошганлар ўлим жазосига ҳукм этилмайди. И.И.Карпец ҳам 65-70 ёшдан кейин ўлим жазосини қўлламаслик тарафдори эди. Лекин у истисно ҳолда, инсоният хавфсизлиги ва тинчликка қарши содир қилинган жиноятчиларни ўлимга ҳукм қилиш лозимлигини алоҳида қайд этган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 60 ёшдан катта шахсларга ўлим жазоси тайинлаш қонун йўли билан тақиқланган (Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги Жиноят кодекси 51-моддаси иккинчи қисмига биноан ўлим жазоси 60 ёшдан ошган эркакка тайинланиши мумкин эмас). Бу жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги ўлим жазосини қўллаш амалиётига мос келади. Айни ҳолда фақат тинчлик ва инсониятга қарши оғир жиноятлар содир этган кимсаларга нисбатан истисно тариқасида ўлим жазосини назарда тутиш мумкин. Булар ўз жиноятларини айнан етук ёшда онгли тарзда содир этган ваҳший сиёсатчилардир. Умумий жиноятлар масаласига келсак, 60 ёшга бориб одамнинг жиноий фаоллиги сусаяди. Мумкин бўлган айрим истисно ҳолатларни деб инсонпарварлик тамойилларидан чекинмаслик керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддасининг иккинчи қисмига биноан аёлга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас. Лекин баъзи бир ҳолларда амалиётда кам бўлса-да, шундай ҳолатларни учратиш мумкинки, аёллар ўта оғир жиноятларни содир этишади. Лекин биз ҳеч қачон аёл зотининг муқаддас эканлигини, қолаверса, бизга ҳаёт бахшида этувчи — она эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Аёллар, албатта, оғир жиноятлар содир этиши, шу жумладан одам ўлдириши ҳам мумкин. Уларнинг сўнгги зикр этилган жиноятни содир этиш усули жуда ўзига хос бўлиб, кўпинча бу заҳарлаш усулидир. Ҳаёт шуни кўрсатадики, аёллар бу оғир жиноятни содир этишига кўпинча эрлари, жазманлари ва бошқаларнинг уларга нисбатан ёмон муносабати туртки беради. Тўғри, ҳозирги вақтда аёллар турғун жиноий гуруҳларга, хусусан, гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш билан шуғулланадиган гуруҳларга бошчилик қилган ҳоллар ҳам учрайди. Бироқ, нима бўлганда ҳам, аёл – энг аввало бугун бўлмаса, эртага бўлажак она эканлигини унутмаслик керак. Шу нуқтаи назардан қонунчиларимиз аёлларга нисбатан ўлим жазосини бекор қилиб жуда тўғри иш тутган.

Афсуски, бу борада Ўзбекистон Республикасининг тутган йўли дунё давлатларининг баъзиларида қўллат-қувватланмайди. 1966 йил 16 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган «Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пактнинг 6-моддасида «Ҳомиладор аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди» деб белгилаб қўйилган. 1949 йилги Женева Конвенциясига қабул қилинган қўшимча протоколда ҳам яқинда бола туккан аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслиги ҳақида тўхталиб ўтилган. Бу ҳолни биз БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан 1984 йил 25 майда қабул қилинган Резолюцияда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, унда шундай дейилган: «Ҳомиладор ва яқинда она бўлганларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди».

Тўғри, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ҳомиладор аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди. Масалан, Қувайтда ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг жазоси умрбод қамок билан алмаштирилади. Лекин айрим давлатларда аёл киши ўз фарзандини дунёга келтиргандан сўнггина ўлим жазоси ижро этилиши мумкинлиги тўғрисидаги нормалар мавжуд. Бирлашган Араб Амирлиги, Жанубий Корея, Туркия каби давлатлар шулар жумласидан.

Яна шундай давлатлар ҳам борки, уларда аёлларга нисбатан ўлим жазоси бола туғилганидан сўнг орадан маълум муддат ўтгач ижро этилади. Жумладан, Индонезияда 40 кундан сўнг, Миср ва Ливияда 2 ойдан сўнг, Яман Араб Республикасида бола туғилганидан 2 йил ўтгандан сўнг ўлим жазоси ижро этилади. Иордания Жиноят кодексида бу масала бир-бирига зид бўлган моддалар билан тартибга солинган. Иордания Жиноят кодексининг 358-моддасида белгиланишича, бола туғилганидан кейин 3 ой ўтгач ўлим жазоси ижро этилиши мумкин, аммо айнан шу кодекснинг 17-моддасига кўра эса ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳомиладор аёлнинг жазоси умрбод каторга¹ билан алмаштирилади, деб белгиланган. Руминия Жиноят кодексида эса 3 ёшгача боласи бор аёлларга нисбатан ўлим жазосини тайинлаш тақиқланади. Монголия ва Гватемала Жиноят кодексларида эса аёлларга нисбатан ўлим жазосини татбиқ этиш бутунлай ман қилинган. Ҳомиладор аёлларнинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши ҳақидаги хабарлар фақатгина Эрондан келмоқда.

Айрим минтақаларда ўлим жазоси ҳақида ишончли статистика мавжуд эмаслиги туфайли, унинг бутун дунё миқёсида ижро этилиши ҳолатларини кузатиш қийин. Шуни таъкидлаш керакки, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмларни амалда ижро этиш умумий тенденцияларини тадқиқ қилиш жуда катта куч ва ҳаракатни, шунингдек мазкур масала юзасидан дунё миқёсида ишончли статистика маълумотлари олишни тақозо этади.

Узоқ тарихий давр мобайнида ўлим жазосига жиноятчидан ўч олиш, қатл этилаётган шахсни ва жамиятнинг бошқа аъзоларини қўрқитиш воситаси сифатида

¹ Каторга – маҳбусларни оғир жисмоний меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турларидан бири.

қараб келинди. Кейинчалик айбдорнинг ўзига (уни янги жиноятлар содир этиш имкониятидан маҳрум этиш учун) ва жамиятнинг бошқа аъзоларига (улар қатл этилишдан қўриқиб жиноят содир этмаслиги учун) превентив таъсир кўрсатиш биринчи ўринга чиқди.

Аммо қатл этувчилар шунчаки қатл этиш билан кифояланмаган. Ўлим жазосини ижро этишнинг янги-янги турлари кашф этилган. Инсонни ҳаётдан маҳрум этишнинг ранг-баранг шакллари ва усуллари ўйлаб топилган. Қатл этиш усули шундай бўлиши керакки, инсон ўлишдан олдин мумкин бўлган барча азоб-уқубатларни бошдан кечирсин, деган фикр уларнинг «фалсафаси» учун умумий бўлган. Улар маҳкумларни жуда секин азоблаб ўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бундан бошқаларни қўрқитишни ҳам кўзлаган. Аммо улар бир нарсани назардан қочирган: шафқатсизлик ҳар доим шафқатсизликни уйғотади. Шундай бўлган, шундай ва шундай бўлиб қолади. Қўрқитиш фақат кучсиз одамларга таъсир этади. Кучлиларда эса зўравонликка зўравонлик билан ва, балки, янада шафқатсизроқ йўсинда жавоб қайтариш истаги туғилади.

Ўлим жазоси, ижтимоий жазо сифатида, дастлаб жиноятчини қурбонлик қилиш тариқасида ижро этилган. Жиноятчиларни қатл қилиш халқ учун ҳам байрам, ҳам диний маросим ҳисобланган. Ҳозирги халқлар ибодат қилиш учун ибодатхонага қандай йиғилсалар, қадимги одамлар ҳам қурбонлик қилиш маросимида иштирок этишга шундай йиғилганлар. Маросимда қурбон қилинган одамнинг сепилган қони теккан одам ўзини бахтиёр ҳис этган.

Диний ҳокимият ағдарилганидан кейин ўлим жазоси ўзининг олдинги хусусиятини йўқота бошлади. Дунёвий давлат ҳокимияти ўрнатилгач, ўлим жазоси асосан қўрқитувчи хусусият касб этди. Ўлим жазосини ижро этиш усуллари қўллашдан асосан қатл маросимига йиғилган томошабинларни дахшатга солиш ва улар орасидаги жиноят содир этишга мойил шахсларни бундан ўзини тийишга оғдириш мақсади кўзланди. Ушбу давр қонунларида диний ҳокимият даврининг таъсири сақланиб қолган бўлиб, улар жиноятчиларни асосан «бошқаларга сабоқ бўлсин учун» қатл қилишни амр этади.

Ўлим жазосига ҳукм қилинганларни қатлгоҳга тўпланган оломон мазаҳлаган ва таҳқирлаган (масалан, Францияда халқ маҳкумга тухум, лой ва бошқа ифлос нарсаларни отган). Бу нафақат тақиқланмаган, балки қўллаб-қувватланган, чунки бундай маросимларни ҳокимиятнинг ўзи маҳкумларни хўрлаш ва таҳқирлаш мақсадида ўтказган. Қатл маросимига бутун халқ - ялангоёқлардан тортиб зодагонларгача тўпланган (масалан, Испания кироли даҳрийларни гулханда ёқиш маросимида иштирок этган; Англия кироли 1219 йилда Бедлэй исмли чеварни қатл қилиш маросимида қатнашган). Кунда-кунора ўтказилиб турилган қатл маросимлари, ҳар қанча дахшатли бўлмасин, халқ учун қизиқарли томошага айланиб қолди. Масалан, Римда айбланувчиларни ёввойи ҳайвонларга ейиш учун ташлаш ва уларнинг курашиши, шунингдек маҳкумлар курашда бир-бирини ўлдириши фуқароларнинг энг севимли томошаси эди; Испанияда даҳрийларни гулханда куйдириш маросими кун бўйи давом этар, энг тантанали қатл маросимлари давлат аҳамиятига молик воқеалар, чунончи: подшонинг тахтга ўтириши, қиролларнинг уйланиши, меросхўрнинг туғилиши ёки балоғат ёшига етиши муносабати билан ўтказиларди. Бошқа мамлакатларда ўтказилган қатл маросимларида ҳам халқ ўзини ана шундай тутган. Баъзан қатлгоҳлар ҳақиқий кушхонага айланган, қатл маросимлари бир неча кун давом этган, уларда юзлаб ва ҳатто минглаб одамлар (масалан, кўзғолончилар ва исёнчилар) қатл қилинган. Хитойда ҳозир ҳам ўлим

жазосига ҳукм қилинганлар якка-якка ҳолда эмас, балки ҳаммаси йиғилиб, йилда бир марта қатл этилади.

Ўтмишда ўлим жазосини ижро этиш усуллари ҳам муфассал тартибга солинганлиги диққатга сазовордир. Ўлим жазосини ижро этишнинг оддий турларига бошни танадан жудо этиш, осиш ва чўктириш, таснифланган турларига эса – куйдириш, оғизга кўрғошин куйиш, оёқ-қўлни кесиб, сўнгра бошни танадан жудо қилиш, чархпалакка тортиб ўлдириш, елкасигача ерга кўмиб қўйиш, қозикқа ўтқизиш ва бошқалар кирган.

Хулоса

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги демократлаштириш ҳамда тубдан янгиланиш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Мамлакатда ҳақиқий маънодаги фуқаролик жамияти қуришнинг қонунчилик базаси изчиллик билан яратилмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар юз берди.

Шуни очиқ тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинлакларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосида йўл тутиш, бу жараённи тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви бу – қонунларнинг инсонийлик ва демократик асослари мустаҳкамланишидир. Энг муҳими, либераллаштириш ўлим жазосини қўллашдек масалани ҳам четлаб ўтмади.

Мустақилликнинг 16 йили мобайнида мамлакатимиз мазкур масала бўйича ўзининг аниқ жиноий-ҳуқуқий сиёсатини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосини қўллаш соҳасини чеклаб борди. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида ўлим жазосини кўзда тутувчи моддалар сони 33 тани ташкил этган эди. 1995 йилда амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мазкур тоифадаги моддалар сони 13 тагача, 1998 йилда 8 тагача, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди. Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида терроризм ҳамда айбни оғирлаштирадиган ҳолатда одам ўлдириш жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазосининг ўрнига умурбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. 2008 йилда қабул қилинган қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоларнинг либераллашуви муносабати билан содир этилган жиноий қилмишнинг оғирлик даражасидан қатъи назар вояга етмаганлар, аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан ўмурбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш ман этилган.

Юқоридагилар, мамлакатимиз қонунчилиги босқичма-босқич халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштирилиб келинганлигидан далолат беради. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу жараёнда шошма шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб олинмади, мутлақо янги концепция амалга оширилди. Бу ҳуқуқий механизм бевосита Конституция ва Конституция доирасида қабул қилинган қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилди.

Мамлакатни модернизациялаш ҳамда жамиятни ислоҳ қилиш жараёнлари сўнгги паллада жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосини қўллаш муаммосини ҳал қилиш ва уни умрбод қамоқ ёки узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазоларига алмаштиришни тақозо этди ва бу яшаш ҳуқуқи – шахснинг ажралмас ва табиий ҳуқуқи эканлигини эътироф этган Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжҳон Декларациясининг 3-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига тўла мос келди.

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак, ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилиши, бугунги фуқаро ҳозирги ва келажак авлод олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда яшаш ва ишлаш ҳаёт тарзига айлантириши лозим.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этмоғи керак.

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак, Қонунчилигимиздан ўлим жазосини ўрнига умурбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини берилиши халқимизни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни топталишини олдини олишга ва инсонпарварлик тамойилларининг қанчалик одилона йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Бизга маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш, ҳимоя қилиш борасида муҳим қадамлар қўйилди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари

1. 1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т. : Ўзбекистон, 1997. –Б. 85-97.

1. 2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т. : Ўзбекистон, 1999. – 40-б.

1. 3. Каримов И. А. “Адолат - қонун устиворлигида” 2- чақириқ 6- сессиясидаги маърузаси// Халқ сўзи 2001 йил 30 август.

1.4. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаш-тириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. 13. –Т. : Ўзбекистон, 2005. –Б. 174-222.

1.5. Каримов И. А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т. 13. –Т. : Ўзбекистон, 2005. –Б. 223-251.

1.6. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабрь.

1.7. Каримов И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, Янги марралар сара изчил ҳаракат қилишимиз лозим. //Халқ сўзи 2006 йил 11 февраль.

1.8. Каримов И. А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. //Халқ сўзи 2006 йил 27 февраль.

1.9. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги “ Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусидаги маърузаси. //Халқ сўзи 2007 йил 31 август .

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т. : Ўзбекистон, 2003. –40 б.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т. : Адолат, 2004. –383 б.
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Т. : Адолат, 2004. –620 б.
- 2.4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. –Т. : Ўзбекистон, 2006. –183 б.
- 2.5. “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ – 24-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, № 10-11.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”. 2005 йил 1 август // Халқ сўзи, 2005 йил 2 август.
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 июндаги Фармойиши “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”// Адолат, 2006 йил 30 июнь.
2. 8. Комментарий к УК России. –М. : Вердикт, 1994. С. 70.
2. 9. Конвенция о борьбе с торговлей людьми и с эксплуатацией проституции третьими лицами. Генеральная Ассамблея ООН. 7 июля 1949 г. Правовые документы ООН. –М. , 1993.
2. 10. Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Генеральная Ассамблея ООН. 18 апреля 1979 г.
- 1.11. Конвенция о правах ребенка. Правовые документы ООН. – М. , 1993.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-1997, Т. : Шарқ, 1-жилд, 1997, 71-бет.

Ш. Асосий адабиётлар .

3.1. Абдумажидов “Ўлим жазосини бекор қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий аҳамияти” ҲУҚУҚ-ПРАВО-LAW” 2005 й. №4. 13 б.

3.2. Дмитрий Чиркин: Смертная казнь в России: за и против. <http://pravda.ru/main>

3.3. Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни, Москва, 3-4 июня 1999 г. М., 2000. – 119 б. (Сержио Делиа (Италия) маърузаси).

3.4. Диккенс Ч. Сочинения. Том 28. – 44 б. Қаранг: Петрухин И.Л. Право на жизнь и смертная казнь // Общественные науки и современность. – М., 1999, № 5. – 86 б.

3.5. Дмитрий Чиркин: Смертная казнь в России: за и против. <http://pravda.ru/main>.

3.6. Квашис В.Е. Смертная казнь: мифологические представления и криминологические реалии // Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни. – 8 б.; шунингдек 33-34 б. (Европа Кенгаши Бош котиби Даниэль Таршис маърузаси).